

## Неъматларнинг борида қадрига етайлик!



09:20 / 07.12.2023 1505

Молик ибн Назла розияллоху анху Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига эски кийимда келди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам ундан сўрадилар:

- Молинг борми?

- Ҳа!

- Қанақа туридан?

- Ҳар қанақа туридан. Туя, от, қўй...

Агар Аллоҳ сенга мол берса, унинг асари устингда кўриниб турсин!

Амр ибн Шуъайб отасидан, отаси эса бобосидан ривоят қилади:

«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай деганлар: **«Аллоҳ таоло неъматни асарини бандасининг устида кўриниб туришини яхши кўради!»**.

### **Неъматни кўрсатиш шукрнинг бир қисмидир.**

Аллоҳ инсонга мол ато қилса, у яхши кийимлар кийиши лозим. Яхши кийим бошқа, қиммати бошқа. Турли ёрлиқлар, машҳур ном брендлар ва мода орқасидан югуриш, гўзал ва бежирим кийимлар бўла туриб, номи учун қимматга сотиб олиш аҳмоқлик ва исрофдир. Аслида, номлар бойларнинг пулини шилиш мақсадида ўйлаб топилган. Фақирлар эса бунга алданиб қолишган. Бугун ҳатто ёшлар фахрланиш учун кучи етмайдиган нарсаларни ҳам сотиб олишга уринишмоқда. Бугун қизларимиз фақатгина «шанель» ва «диор»нинг сумкаларини кўтаришмоқда. Гўзаллик яхши, аммо

зўрма- зўракилик ёмон!

Неъматни зоҳир қилишда муҳтожларга ёрдамлашиш бор. Тўғри, яширин садақа Аллоҳга мақбул ва суюкли. Аммо инсон бойликда маълум бир даражага етганида кўпчилик манфаати етадиган умумий лойиҳаларга пул тикишга мажбур бўлади. Шифохона, масжид қуриш, узоқ қишлоқларда артезиан қудуғи ковлаш, Қуръон ёдлатиш курслари, мактаблар учун бинолар барпо этиш ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Бу каби ишлар Аллоҳ таолонинг:

(يٰۤاَيُّهَاۤمَنْعَنۡفِرَاتٍۭ اۡقۡصَلۡلِاُوۡدۡبُتۡنِۭ [۲۷۱: رَۡرَقۡبَلۡا])

**«Садақани ошкора қилсангиз, қандоқ ҳам яхши!»** (Бақара сураси, 271-оят) деган сўзига асосланган бўлади. Аллоҳ берган ҳар бир нарса неъмат.

### **Неъматларга шукр қилиш ҳам неъмат!**

Шифокорда бир ойда бир кун беморларга бепул хизмат қилиш имкони бор. Университет профессорида дарсга узри туфайли кела олмаган талабаларга аудиториядан ташқарида маъруза ўқиш имкони бор. Мансабдор ва нуфузли кишиларда бир бечоранинг мушкулотини ҳал қилиш учун ўртакаш бўлиш имкони бор. Бой савдогарда ҳар ой ифбатли бир фақирнинг оиласини таъминотини қилиб туриш имкони бор. Корхона раҳбаридида Рамазон ойида ишчиларга енгиллик бериш имкони бор. Масъул шахсда ишчилар билан суҳбатлашиш, ҳазиллашиш ва уларга лутф ила муомала қилиш имкони бор.

Хуллас, Аллоҳга олиб борадиган йўллар махлуқлар нафаси миқдоричадир. Шукри адо этиладиган ҳар қандай неъмат муҳофаза қилинади. Неъматларни асрайлик!

### **«Набавий тарбия» китоби асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1506-рақамли ва 2023 йил 24 мартдаги 01-07/1959-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.